



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 16 июль № 149 (3424) Жума

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА!

Ассалому алайкум муҳтарам Ислам Абдуғаниевич!
Шахмат бўйича Жаҳон чемпиони бўлишим муносабати билан менга йўллаган табригингизни катта ҳаяжон билан ўқиб чиқдим! Бундай юксак эътибор учун Сиздан жуда миннатдорман. Қанчалик фахрланаётганимни сўз билан ифодалаш қийин. Сизга бир неча йил олдин, ўзингиз совға қилган компьютерда ёзган хатимда берган ваъдамни бажарганимдан беҳад хурсандман.
Мен бу ютуқни устозларимнинг меҳнати ва алаббатта Сизнинг бевосита эътибор ва ғамхўрлигингиз натижаси деб биламан. Ва бу менга доимо куч-

қувват беради. Шунинг учун ҳам бугун мен эмас — Ўзбекистон чемпион бўлди, жаҳон шахмат тожиги мен эмас — бутун ўзбек халқи сазовор бўлди деб ҳисоблашимизни сўрайман. Мен айнан Мустақиллик йилларида шахматчи бўлиб танилдим. Олдин ҳам айтганимдек, истиқлол бўлмаганида мен қаерда эдим, бундай нуфузли мусобақалар қаерда эди. Мен ушбу ғалабамни энг улуг байрамимиз, Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлайман.
Сизга сиҳат-саломатлик тилоб, чексиз миннатдорлик билан ўғлингиз Рустам Қосимжонов.

Триполи, Ливия
2004 йил 14 июль.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадигки, республикада ўқитувчи касбининг аҳамияти ва обрў-эътиборини ошириш, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантириш ва улар ҳаётининг моддий шарт-шароитларини яхшилаш юзасидан илҳом, аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб борилмоқда.
Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. Бошланғич синфлар ўқитувчиларига ойлик устамалар, ўқитувчиларга синф раҳбарлиги, дафтарларни текширганилик, ўқув кабинетлари ва лабораторияларига мудирилик қилганилик учун қўшимча ҳақ белгиланди ва 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб уларнинг миқдори анча оширилди. Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ ўқитувчилар учун педагогик юклама мақбуллаштирилди.
Шу билан бирга, ўқув ва тарбия жараёнига ўқитувчиларнинг шахсий улушини ҳолисона баҳолаш масаласи ниҳоятда мураккаб эканлигини ҳисобга олган ҳолда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ва 2004-2009 йилларда Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастурида олдин қўйилган вазифаларни ҳал этиш юзасидан ўқитувчилар ва методистлар меҳнатини баҳолаш механизмини ва мезонларини ишлаб чиқиш ишларини янада давом эттириш муҳим аҳамиятга эгадир.
Ўқитувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнига шахсий улуши мезонларини аниқлашга ёндашувларини ишлаб чиқиш ва умумтаълим муассасаларининг қобилияти, ўз касбига содиқ ўқитувчиларини моддий рағбатлантиришнинг самарали механизминини барпо этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Республика вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг кенг иштирокида ўқитувчиларнинг юксак касб малакасини ва уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига шахсий улушини ҳисобга оладиган ўқитувчиларни рағбатлантириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш мақсадида умумтаълим муассасалари раҳбарлари, педагогика кенгаши аъзолари, шунингдек ота-оналар қўмитасининг фаол аъзоларини киритиш; махсус комиссияларга

раҳбарлик қилиш тегишли равишда умумтаълим муассасалари ҳамда халқ таълими бошқаруш ҳудудий органлари раҳбарлари зиммасига юклаш;
ўқитувчилар ва методистларнинг тариф ставкасига устамаларнинг ҳолисона, ошқора ва тўғри белгилашни юзасидан назорат тумани ва шаҳар халқ таълими бўлимларига юклатиш тўғрисидаги таклифи мақбуллансин.
4. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси (А.А.Азизхўжаев), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ўтказилаётган эксперимент натижаларини 2004/2005 ўқув йили якулини бўйича умумлаштирилган ва танқидий баҳолашлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ўқув-тарбия жараёнига ҳисса қўйган ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш юзасидан аниқ таклифлар киритсинлар. Бунда ўтказилаётган экспериментга халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш бўйича тайёрларлик босқичи сифатида қаралсин.
5. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Халқ таълими вазирлигига, тасаруфида умумтаълим муассасалари бўлган вазирликлар (идоралар)га мақур экспериментни ўтказиш давомида ҳар томонлама кўмаклашсинлар.
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорга мувофиқ жорий йилнинг 1 сентябрдан бошлаб умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва методистларнинг тариф ставкасига кўрсатилган махсус устамалар умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва методика кабинетлари методистларига устамалар белгиланган тартиб тўғрисидаги вақтинчалик низоми тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

тариф ставкасига кўрсатилган махсус устамалар умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва методика кабинетлари методистларига устамалар белгиланган тартиб тўғрисидаги вақтинчалик низоми тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:


тариф ставкасига кўрсатилган махсус устамалар умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва методика кабинетлари методистларига устамалар белгиланган тартиб тўғрисидаги вақтинчалик низоми тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

тариф ставкасига кўрсатилган махсус устамалар умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва методика кабинетлари методистларига устамалар белгиланган тартиб тўғрисидаги вақтинчалик низоми тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

тариф ставкасига кўрсатилган махсус устамалар умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва методика кабинетлари методистларига устамалар белгиланган тартиб тўғрисидаги вақтинчалик низоми тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2004 йил 15 июль.

И. КАРИМОВ



ДОВРУҒИ ДОСТОН РУСТАМИ ДОСТОН


Ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновнинг ғалабаси жаҳон оммавий ахборот воситаларида ана шундай сўзлар билан ифодаланмоқда

Юртдошимизнинг Ливия пойтахти Триполи шаҳрида шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлгани дунё оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.
Кўпчилик мутахассислар Рустам Қосимжоновнинг ғалабаси ҳақида гапирар экан, авваламбор унинг иқтидори, билимдонлигини алоҳида қайд этишмоқда. Улар бу ғалаба Ўзбекистон ва ўзбек миллиятининг жаҳонда тобора обрўйи охири бораётганини яна бир ифодаси эканлигини бот-бот таъкидламоқдалар.
«Би-би-си» ўз саҳифаларида ушбу воқеага алоҳида эътибор қаратиб, Қосимжонов ютуғи ҳақидаги мақолани «Ўзбек шахматчиси жаҳон биринчилигини қўлга киритди» деб, номлайди. Бу ғалаба жаҳон шахматда катта обрўга эга бўлган Майкл Адамс устидан қозонилганини алоҳида қайд этади.
«Шахмат дунёсида катта шов-шув юз берди. Триполида янги чемпионга тож кийдирилди». Газета.ру интернет сайтидаги мақолада Қосимжоновнинг ғалабаси ҳақида ана шундай сўзлар битилган. Шу билан бирга мақолада бошида аутсайдер деб ҳисоб-

ланган иқтидорли ўзбек шахматчиси финалгача украинлик Василий Иванчук, россиялик Александр Гришук ва болгариялик Василий Топаловдек машҳур гроссмейстерларни доғда қолдирганини таъкидлади. «Финалда Қосимжоновнинг рақибиди оддий шахматчи эмас, шахмат дунёсида юлдуз ҳисобланадиган англиялик Майкл Адамс эди. Ўзбек шахматчининг финалдаги биринчи ўйинда қоралар билан қўли балан келиши финалда илк марта содир бўлди» дейилди мақолада.
Украинанинг «Интерфакс — Юг» агентлиги финал ўйинлари тўғрисида сўнг ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов билан телефон орқали суҳбат қилди.
— Уч ҳафта давомида мурасис утган ўйинда 57 давлатдан 128 нафар шахматчи қатнашди. — дейди Кирсан Илюмжинов. — Унда Рустам Қосимжонов барча рақибларининг устидан ғалаба қозониб, чемпионлик тахтини забт этди. Ғолибга 3,5 килограмм соф олтиндан ясалган «Қазофий олтин кубоги» ва 100 минг доллар миқдорда мукофот берилди.
Шунингдек, К. Илюмжинов мақур мусобақа Ливиянинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқала-

рининг янада илиқлаштиришга хизмат қилганига ҳам ургу берди.
«Ўзбек гроссмейстери — ФИДЕ бўйича жаҳон чемпионатидаги катта шов-шув».
«Овертайм» ахборот маҳкамаси Триполида ўтказилган мусобақа якулига ателган мақолада ана шундай бошлади.
— «Гигантлар қушандаси» деган ном олган янги чемпион финалда англиялик Майкл Адамсга таслим қилди. — дейди мақола муаллифи. — Ўзбек шахматчиси финалгача ливонлик Василий Иванчукни доғда қолдирган. Энди Қосимжонов жаҳоннинг мутлақ чемпионлиги учун россиялик Гарри Каспаров билан беллашади.
Қосимжоновнинг ғалабаси тасодиф, деган баъзи фикрларга «Вести — спорт» телеканали шахмат дунёсида катта обрў-эътиборга эга мутахассисларнинг чиқишлари билан жавоб берди. Хусусан, халқаро тоифадаги гроссмейстер Г. Топалая ўз чизиқларида мана шундай сўзларни келтирди:
— Шахмат — ўта мураккаб ўйин. Унда шахматчи иқтидорли ва жуда билимли бўлмаса, бирон натижага эришиши мушкул. Ахир, шах-

матчининг бир марта, борингки, икки марта омади нолиши мумкин. Аммо Қосимжонов дунёдаги энг машҳур гроссмейстерлар устидан бир неча марта ғалаба қозонди. Демак, бу ҳеч қандай тасодиф эмас.
SportDay.ru чемпионат тўғрисида сўнги чиқишларидан бирида, Триполида ФИДЕ президенти кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтгани ҳақида хабарлар тарқатилган. Унда Халқаро шахмат федерацияси раҳбарлари жаҳоннинг мутлақ чемпионлиги учун Рустам Қосимжонов ва Гарри Каспаров ўртасида бўлиб ўтадиган турнир ўтказилиши муҳокама қилинганлиги маълум қилди. Нашр айни пайтда дунёнинг кўпгина шаҳарларида мазкур турнирнинг ўзида ўтказиш ҳолиши бор эканлигини билдирган. Манбада хозирги пайтда Дубай ва Лондон шаҳарлари бундай шарафга муяссар бўлишга барчадан кўра кўпроқ ҳаракат қилаётганини айтди. Шунингдек, унда икки чемпион беллашувларини ўтказишга Тошкент шаҳри ҳам давogar экани алоҳида қайд этилган.
Салим ДОНИЁРОВ.
(Ушбу мақолада дахлдор материалларнинг давомини 2-бетда ўқийсиз).



Олий Мажлисда

Ҳеч кимга сир эмас, бугун терроризм бутун инсониятга катта хавф солиб турибди. Унинг муҳдишлиги шундаки, кўпроқ ҳолатларнинг аксарияти аёллар ва ёшлар қўли билан содир этилмоқда. Шунинг учун айни замон тинчлик ва тараққиёт душмани бўлган терроризмнинг олдини олиш, хавфини камайтиришга қаратилган қонунчилик асослари бўлишини тақозо қилмоқда. Айниқса, бу йилда ноконуний савдодан келатган пул маблағларининг банклардаги айланишига қонун йўли билан чек қўйилиши ҳам зарур.

Қонун — терроризмга қалқон

Кеча парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари, Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмиталари, Фидокорлар миллий демократик партиясининг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Амалий қонун ҳужжатлари мониторинг институти АҚШнинг Адлия департаменти билан ҳамкорликда давра суҳбати уюштирди. Жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг қонунчилик асослари мавзусидаги бу давра суҳбати икки кун давом этади. АҚШ, Канада, Буюк Британия ва россиялик экспертлар иштирок этган давра суҳбатининг биринчи кунда Ўзбекистон молия тизимининг ҳуқуқий базаси, банк ишига оид қонунчилик ҳамда терроризмнинг мо-

лиялаштиришга қарши курашда халқаро мезорлар бўйича фикр алмашилди.
Давра суҳбати жараёнида Олий Мажлиснинг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси расми Ахтам Турсуновдан тадбирнинг аҳамияти хусусидаги фикри билан кизикди.
— Шунинг қайд этиш керакки, халқаро ҳамжамият томонидан терроризмга қарши тўлақонли кураш олиб борилаётган, дейишга ҳали эрта, — деди у. — Чунки ҳалигача терроризмнинг умумий тан олинган белгилари, турлари, уларни молиялаш усуллари тўла очиб берилмаган. Ундан ташқари, терроризмнинг турлича тушуниш халқаро кучларнинг унга қарши кураш самарасини пасайтириб юборади.
Айтайлик, ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий ман-

Минтақавий семинар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчилик мустақамлаш муаммолари ва прокурорнинг ҳодимлари малакасини ошириш Марказининг Фарғона филиалида Фарғона водийси вилояти, шаҳар ва туманлари ҳокимлари ҳузуридаги воғза етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар масъул котиблари иштирокида ўқув амалий семинари бўлиб ўтди.
Воғза етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар

фаолиятини такомиллаштириш мавзусига бағишланган анжуманда хозирги кунда долзарб бўлган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди. Бир ҳафта давом этган ўқув машғулотида давомида иштирокчилар Қўқон ва Марғилон шаҳарларида воғза етмаганлар билан олиб борилаётган ишларни кўздан кечирдилар.
Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қўшма корхонага пойдевор

Пойтахт вилоятининг Чирчиқ шаҳрида бир йилда 57 миллион донга трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қўшма корхона қурилишига тамал тоши қўйилди. «Бурсель-Тошкент Текстиль» деб номланувчи ушбу корхона ўзбек-турк ҳамкорлигининг меваси ҳисобланади.
Корхона ишга тушган 1,5 минг нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланади.

«Гранд Орзу» меҳмонхонасида БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг (UNFPA) Бутунжаҳон аҳолишунослик кунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжумани (UNFPA) раҳбари Несим Тумкаев олиб борди.
Йиғилишда хозирги кунда Ўзбекистонда Аҳолишунослик ва ривожланиш бўйича Коҳира халқаро анжуманининг фаолияти дастури бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.
Тадбир сўнггида юртимизда инсон саломатлигини сақлаш, соғлом фарзандларнинг дунёга келиши учун яхши шароит яратиш, ўсимларимизнинг турли оқимларга кириб кетмаслигининг олдини олиш учун кенг қамровли тушуништириш ишлари олиб бориш кераклиги эътироф этилди.
Дилноза НАМОЗОВА,
ТДЖТУ талабаси.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган «Саломатлик» поезди Навоий вилоятида савоб ишни бошлади.
«Саломатлик» поезди
Пойтахтнинг шифохоналарда ишловчи ўн беш нафар малакали тиббиёт ходими вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилувчи ногиронлар, ёлғиз қариялар, болалар ва аёлларни кўриқдан ўтказмоқда.
«Саломатлик» поезди 16 июль кун Навоийдан Бухоро вилоятига йўл олади.
М. ТОҶИЕВА.

Адирлик пахта учун қулайми?



Бу саволга баъзи деҳқонлар «Қанча меҳнат қилмайлик, бир ҳовуч пахта оламиз», дейишса, мутахассислар адирликларда ҳам ер ости сувлари кўтарилиб кетаётгани тўғрисида далиллар келтиришади.

донларга жойлаштирилаётгани бор гап.

— Мен деҳқон одамман, — сўзида давом этади Сафарали ака. — Адирда йил — ун икки ой ишлаб, нари борса бир арава пахта олаётганимизни, даромаддан харажат кўпайиб кетаётганини ҳамма билади. Ахир, Юртбошимиз муаммоларни четдан келиб ҳеч қандай қўйиб бермайди, деб қайта-қайта уқтиряпти-ку! Менага қолса, ғўзани пахта, яъни азиздан пахта битаётган ўз ерига олиб тушардим. Боғларни адирга кўчирардим. Ушунда ҳамма нарса ўз истаги тушарди.

Оддий деҳқон мулохазали фикрни ўртага ташлаётган экан, қани, биз ҳам далилларга, мутахассислар фикрига таяниб, масалани таҳлил қилиб кўрайлик-чи. Марҳамат туманида суғориладиган ернинг 4438 гектари адирликларда жойлашган бўлиб, унинг 1936 гектарида бурдой, 2502 гектарида пахта етиштирилади. Охунбобоев номи ширкат хўжалигининг 699 гектар майдони, бошқача айтганда, юз фоизи, «Истиклол» ерининг 60 фоизи, Тожибоев номи, Мирзаев номи ширкат хўжалиklarининг 15-31 фоиз экин майдонлари адирликларга тўри келади. Бундай ерларда пахта етиштириш кўп меҳнат ва бошқа моддий ресурсларни талаб қилиш билан бирга, ҳосилдорлик оддий ерларга нисбатан кам. Сабаби — уларнинг ер бонитети 20-40 баллни ташкил этади.

Утган йили охунбобоевликлар 310 гектар майдондан ғалла ўстириб, гектаридан 67,2 центнердан хирмон кўтарди. «Истиклол» да ҳосилдорлик 68 центнерга етди. Холбуки, қўшни хўжаликларда бу кўрсаткич ўртача 78,7 центнерга тўри келди. Энди пахтачиликни

олиб кўрайлик. Охунбобоев номи ширкат хўжалигида 249 гектардаги ушбу экиндан 20,5 центнердан ҳосил олинган бўлса, «Истиклол»да бу кўрсаткич 22 центнердан ошди. Ваҳоланки, айнан шу хўжаликнинг текис майдонларидан 27 центнердан пахта олинди. Бозор шароити пахта ва ғалла етиштиришда харажатлар хусусида жиддий бош қотириши тақозо



қилади. Ҳисобини билмаган таназзул ёқасига бориб қилиши аниқ. Охунбобоев номи хўжалигида ерларни ҳайдаш қийинлиги боис, бу иш бир оз оғир кечади. Оқибатда ёниги-мойлаш материаллари кўп сарфланади, эҳтиёт қисмларга талаб бир оз кўпаяди. Буларнинг ҳаммаси пировадорда етиштирилган маҳсулот танархнининг ортиб кетишига олиб келади.

Утган йили тумандаги бошқа хўжаликларда бир центнер ғалланинг танархнини ўртача 5845 сўми ташкил этгани ҳолда, ушбу жамоада бу кўрсаткич 7129 сўмга етди. Ёки бир гектар майдонда режадаги ғаллани етиштириш учун 71 минг сўм харажат қилиниб, 85 минг сўм даромад олинди. Ўртадаги фарқ — 14 минг сўм! Кўриниб турибдики, деҳқон қанча меҳнат қилмасин бор-йўри шунча даромад олади.

Пахтачиликдаги аҳвол ҳам юқоридагидан деярли фарқ қилмайди. Туманда бир центнер «оқ олтин» етиштириш учун 17.128 сўм харажат қилинган бўлса,

Охунбобоев номи хўжалигида бу кўрсаткич 20.494 сўмга тўри келди. Терим ноябрнинг ўрталарига қадар чўзилди. 16 тонна ҳосил бешинчи сортга сотилди. Бундан ташқари, пахтани ташлаш, қуриштиш ва қайта ишлаш корхоналарига олиб бориш жараёнидаги ортиқча меҳнат ҳамда харажатларни айтмайсизми?

— Агар адирликларда пахта ва бошқа суви кўп талаб қилувчи экинлар ўрнида боғлар ташкил этилса, сарф-харажатлар анча камайган бўларди, — дейди хўжалик раҳбари.

Марҳамат тумани худудидан Қорадарёнинг қўйи ирмоқларидан оби-ҳаёт олувчи Шахрихонсой, Жанубий Фарғона, Қарқидон каналлари оқиб ўтади. Туман ерлари асосан Жанубий Фарғона канали ва Аравансойдан суғорилади. Хўжаликлараро каналларнинг узунлиги 265 км. Адирликлардаги экин майдонлари «Орозу» насос

станцияси орқали сув билан таъминланади. «Орозу» Фарғона каналидан 204 метр баландликда суви кўтариб беради. Қурадлиги агрегатлари ишлатиш учун бир соатда 90 минг сўмлик электр қуввати талаб этилади. Уни бир кеча-кундузга, ойга кўпайтирсак, масала янада ойдинлашади. Шунда бир гектар адирдан нима учун бор-йўри 7-8 минг сўм даромад олинаётганилиги маълум бўлади.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, пахта адирга «кўчиб чиққач», ғалладан бўшланган ерда тақрибий экин етиштиришнинг ҳам имкони бўлмай қолди. Сабаби — бор сув ғўзанинг чанқоғини қондиришга сарфланмоқда. Шундай қилиб, 308 гектар ер бугўйдан кейин бўш қолмоқда.

— Авваллари адирларга туташ пастдаги ерларимиз захламасди, — дейди туман кишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Солижон Зокиров. — Тоголди худудларидан 30-35 центнер ва ҳатто ундан ҳам ошибди пахта олинди. Энди-чи? Насослар ёрдамида адир-

ларга чиқарилаётган сув аста-секин қуйиға, сизмоқда. Оқибатда ер ости сувлари кўтарилиб, зах ҳосил қилаяпти. Кейинги пайтларда ҳатто ерга кетмон урсангиз, сув чиқадиган бўлиб қолди. Бу ҳол тоғолди жойларида ҳам учрамоқда.

Энди боғ ва тоқзорлар масаласига тўхталсак. 923 гектар ердан иборат боғлар шартнома асосида ижарачиларга тақсимлаб берилган. Бу тармоқ ҳар йили туман иқтисодидега 85-86 миллион сўм соф даромад келтирмоқда. 344 гектарлик тоқзордан эса 37-38 миллион сўм агрофидо фойда олинмоқда. Боғларнинг 200 гектарыга яқини пастки худуддаги серунму, серусу ерларда жойлашган. Улар ғўза парваришланаётган адирга кўчирилса, бу ерларда эса пахта етиштирилса, ҳосилдорлик ошиб, фойда миқдори кўпаймайдими?

— Тоголди ва адирликлардаги боғларга хашарот кам тушади, — дейди Сафарали ака. — Шу билан бирга, мевалари мазали, тишлангангиз, қарсиллаб, тотли таъм беради. Бозорлардаги товланиб турувчи саркил мевалар, билингки, адирда етиштирилган.

Охунбобоев номи ширкат хўжалигининг адирликлардаги боғлари 131 гектарни ташкил этади. Боғлардан йилга тўққиз миллион сўм соф фойда олинмоқда. Мабодо пахта билан боғлар ўрни алмаштирилса, илгариги табиий яйловлар ҳам ўз ўрнига қайтган бўларди. Шу билан бирга, чорвачилик ҳам ривожланарди. Хўжаликда 408 бош қорамол, минг бошдан ортиқ қўй-қўзи мавжуд. Уларга озуқа сифатида каммида 250 гектар бедазор керак. Демак, айтганларим рўёбга чиқса, озуқа учун ер ҳам кўпаяди.

Таҳлиллардан маълум бўлмоқдаки, оддий деҳқондан тортиб хўжалик раҳбаригача экинларни ўз ўрнида жойлаштириш ва кўп маҳсулот етиштириш устида бош қотиримоқда. Биз ушбу мақолада фақат бир туман мисолидаги аҳолини таҳлил қилдик, ҳоло. Агар вилоят бўйича оладиган бўлсак, Жалолқудук, Андижон, Асака, Булукбоши, Ҳўжабод туманларида ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Юзайимизки, ушбу масала ўзасидан мутахассислар ва судасдади раҳбарлар ўз фикрларини билдиришади.

Оддий деҳқондан тортиб хўжалик раҳбаригача экинларни ўз ўрнида жойлаштириш ва кўп маҳсулот етиштириш устида бош қотиримоқда. Биз ушбу мақолада фақат бир туман мисолидаги аҳолини таҳлил қилдик, ҳоло. Агар вилоят бўйича оладиган бўлсак, Жалолқудук, Андижон, Асака, Булукбоши, Ҳўжабод туманларида ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Юзайимизки, ушбу масала ўзасидан мутахассислар ва судасдади раҳбарлар ўз фикрларини билдиришади.

Оддий деҳқондан тортиб хўжалик раҳбаригача экинларни ўз ўрнида жойлаштириш ва кўп маҳсулот етиштириш устида бош қотиримоқда. Биз ушбу мақолада фақат бир туман мисолидаги аҳолини таҳлил қилдик, ҳоло. Агар вилоят бўйича оладиган бўлсак, Жалолқудук, Андижон, Асака, Булукбоши, Ҳўжабод туманларида ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Юзайимизки, ушбу масала ўзасидан мутахассислар ва судасдади раҳбарлар ўз фикрларини билдиришади.

Оддий деҳқондан тортиб хўжалик раҳбаригача экинларни ўз ўрнида жойлаштириш ва кўп маҳсулот етиштириш устида бош қотиримоқда. Биз ушбу мақолада фақат бир туман мисолидаги аҳолини таҳлил қилдик, ҳоло. Агар вилоят бўйича оладиган бўлсак, Жалолқудук, Андижон, Асака, Булукбоши, Ҳўжабод туманларида ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Юзайимизки, ушбу масала ўзасидан мутахассислар ва судасдади раҳбарлар ўз фикрларини билдиришади.

Оддий деҳқондан тортиб хўжалик раҳбаригача экинларни ўз ўрнида жойлаштириш ва кўп маҳсулот етиштириш устида бош қотиримоқда. Биз ушбу мақолада фақат бир туман мисолидаги аҳолини таҳлил қилдик, ҳоло. Агар вилоят бўйича оладиган бўлсак, Жалолқудук, Андижон, Асака, Булукбоши, Ҳўжабод туманларида ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Юзайимизки, ушбу масала ўзасидан мутахассислар ва судасдади раҳбарлар ўз фикрларини билдиришади.

Чемпионни қутлайдилар

Миллат тарихидаги ўчмас сана

Азиз Рустамжон!

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ходимлари, барча журналистлар ахли шахмат оламидаги эришган буюк ғалабанингизни фахр-ғурур билан қутиб олди. Биз бу улкан зафарни Ватанимизнинг халқроқ майдондаги обрў эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шўхратини жаҳонга таратиш йўлида мардлик ва жасорат намунаси деб биламиз.

Мухтарам Президентимиз Фармонига биноан давлатимизнинг юксак мукофоти — Амир Темури ордени билан тақдирланганингиз билан ҳам самимий муборакбод этамиз.

Бундай ғалабалар, саодатли онлар Сизга ҳамisha ёр бўлсин.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.

Ўзбекининг номидан дунё нуф олд

Менинг кўзларимга галат ёш қалқди, Кувонч кўнғироғи ёшлади уни. Ўзбеким, бошимда яна бахт балқиди, Ўн учинчи июль! Рустамнинг кун!

Кўш яқин келди қошинга яна, Ўзбеким кўнға бир дардинг артди. Англия сал хомуш, бизда тантана, У шахмат шоҳларин эрта қартиди.

Байроғинг бошида осмонни ўпди, Бир Рустам бир миллат юзи бўлолди. Ҳаваслар, ҳайратлар унга тиз чўкди, Ўзбеким номидан дунё нуф олд.

Аждоди аввалдан асласан, элим, Худо хушлаганлар руҳи сенга ёр. Шодлик шевасида тўқиди тилим, Арзир кўз-ёш билан қилсак ифтихор.

Ўзбекинг умридек узун бир йўлга, Юртбоши меҳрида чиқди ўзбекинг. Дўлар ярашар очилган қўлга, Олоққа катарларга тўқсин осмонинг.

Маҳмуд ТОИРОВ.

Хурматли Рустам Қосимжонов!

Сизни бутун хоразмлик ёшлар, хусусан 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиали талаблари номидан шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлганингиз ҳамда Юртбошимиз томонидан берилган ватанимизнинг юксак мукофоти — Амир Темури ордени билан қутлаймиз.

Шахмат оламида Ўзбекистон байроғининг биринчи марта Сизнинг ғалабанингиз боис кўтарилиши биз учун чексиз ифтихордир. Сизнинг бу ғалабанингиз бизларни ҳам муваффақиятларга чорлайди.

1-Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиали талаблари.

2004 йилнинг 13 июли юртимиз, халқимиз учун энг қувончли саналардан бирига айланди. Мамлакатимиз тарихи зарварақларига «Рустам Қосимжонов — шахмат бўйича жаҳон чемпиони» деган сўзлар зарҳал харфлар билан битилди.

Бу ғалабани биз ёшларга кўрсатилаётган катта эътиборнинг меваси деб биламиз. Рустам аканинг ушбу юксак унвонни қўлга киритиши Ўзбекистон ёшларига катта масъулият ҳам юкляди. Биз мамлакатимизнинг буюк келажак сари одимларига ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Сергели тумани Убай Маҳмудов номи 268-мактаб ўқувчилари номидан Нодира Арифходжаева.

Республика «Ўзқўрғазмасавдо» марказий залида бўлиб ўтган «Мақтаб мебеллари ва жиҳозлари» намоиши ҳақиқий байрамга айланди, десак муболага бўлмас. Сабаби, бундаги маҳсулотлар жаҳон стандартларига мос замонавий мактаблар даражасида бўлгани боис кўпчиликни ҳайратга солди.

Иқтисодиёт ва Халқ таълими вазирликлари томонидан ташкил этилган ўқув мебеллари ҳамда ўқув-лаборатория жиҳозлари бўйича танлов таълим тизимидаги ислохотлар борасида яна бир катта қадамдир.. Энг муҳими, тез орада республикамиздаги кўплаб мактаблар ана шундай энг яхши жиҳозларга эга бўлади.



Замонавий жиҳозлар — мактаблар таянчи



Албатта, таълимга эътибор дейилганда ўқитувчи, ўқувчи, ўқув режаси, дарсликлар билан бир қаторда таълим муассасаларининг моддий-техник базаси ҳам назарда тутилади. Таъкидлаш жоизки, таълим соҳасидаги ислохотлар белгиланган режа ва дастур асосида изчил амалга оширилмоқда. Бу эса ушбу тизимдаги заиф бўғинларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш имконини бераётди.

Мисол учун айтадиган бўлсак, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базаси ночор аҳволда эканлиги, хусусан ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминоти 29 фоиз, замонавий компьютер техникаси 15 фоизни ташкил этиши борада жиддий чора-тадбирлар қўришни тақозо этади.

Шу нуктага назардан

қараганда Президентимизнинг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ана шу дастурни амалга ошириш чор-тадбирлари тўғрисидаги қарориде белгилаб берилган вазифаларнинг қанчалик долзарб эканлиги яққол кўринади. Юқорида қайд этилган кўрғазма айнан шу вазифаларни амалга ошириш борасидаги амалий иш натижаси бўлди.

Кўрғазмада оддий ўқув курулидан тортиб мураккаб лаборатория қурилмаларигача намоиш қилинди. Очиги, ўзимизда шундай ранг-баранг, сифатли ўқув жиҳозлари ишлаб чиқаришнинг кўрғазма ҳар қандай кишининг кўнгли ҳайрат ва қувончга тўлиши табиий. Айниқса, кимё, фи-

зика, ҳарбий таълим фанларини ўқитишда фойдаланиладиган замонавий жиҳозлар ҳар қандай мактабга катта таянч бўла олиши шубҳасиз.

Танловда республикамиздаги «Мақтабмебель» қўша корхонаси, «Кинап» ОАЖ, «Мебель» АЖ, «Жаҳонгир» МЧЖ, «Эл-холдинг» ОАЖ каби 40 дан ортиқ корхоналар иштирок этиди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу ерга республикамизнинг турли вилоят ва туманларидан ташриф буюрган маориф ходимлари, ўқитувчи-педагоглар кўрғазмага қўйилган мактаб жиҳозларининг сифати, давлат таълим стандартларига тўлиқ жавоб беришини эътироф этишди.

Ҳа, таълим муассасалари ривожини йўлидаги бундай амалий, дадил қадамлар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини қувонтириши табиий. Ахир ким ҳам ўз фарзандининг замонавий жиҳозлар, муостаҳкам ашёлар билан таъминланган мактабда ўқишини хохламайди, дейсиз?! Бундай янгиланишларга эса табиийки, юртимиз таълим тизимидаги кенг ислохотлар шарофатидан эришилмоқда.


Рустам ЁРЛАҚАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири, Шўхрат ҚОБИЛОВ.

ЧОРВА НАСЛЧИЛИГИ НЕГА ОҚСАМОҚДА?

Чорвачилик — кишлоқ хўжалигининг муҳим ва сердаромад тармоқларидан бири. Мутахассислар чорвачиликни зарбдор тармоқ ҳам дейишади. Унинг маҳсулдорлиги, ривожланиши кўп жиҳатдан наслчилик ишларига ҳам боғлиқ. Ҳукуматимиз мазкур йўналишга алоҳида эътибор бериб келаятганилиги боис, кейинги пайтда тармоқда ишлар бирмунча жонланди.

Қарор ва ижро

сигирдан эса 63 тадан бузоқ олинди. Албатта, бу наслчилик хўжаликларини учун жуда кам. Аммо соҳа қондаларига қатъий амал қилиб, юқори натижаларга эришаётган хўжаликлар ҳам бор. Масалан, Зангиота туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалигида ўтган йили ҳар бир бош соғин сигирдан 4974 килограмдан, Чиноз туманидаги «Юлдуз» фермер хўжалигида 4200, швиц зотли қорамолларни кўпайтиришга ихтисослашган Кўрғонтепа туманидаги «Аваз» фермер хўжалигида эса 4950 килограмдан сут, ҳар 100 бош сигирдан 95-98 тадан бузоқ



олинди. Ушбу жамоаларда ҳисоб-китоб ишлари компьютерлар ёрдамида амалга оширилади, айниқса, таҳсинга лойиқ.

«Насл-хизмат» эса уюшмаси Германия билан ҳамкорлик ўрнатган бўлиб, наслчилик соҳасида муайян ишларни бажармоқда. Моллар зотини яхшилаш мақсадида республикамиздаги 50 дан ортиқ хўжаликка Германиядан олиб келинган голштин, швиц, англер, Дания ва лимузин каби зотли насли буқаларнинг уруғлари тарқатилди. Мазкур давлатнинг Саксония Ангельт (RSA) ери чорвадорлари иттифоқи билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида «NASL ISHLAB YANGILANSH» масъулияти чекланган жамияти тuzилди. У ҳозир Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари аҳолисига сунъий уруғлантириш, молларни сирғалар билан таъминлаш хизматини кўрсатмоқда. Шунингдек, аҳоли ва фермерларнинг талабига биноан, ҳар йили уларга 2-2,5 минг бош насли қорамол сотилгати.

Шу билан бирга, афсуски, тармоқда маҳсулдорлик ҳамон пастлигича қолмоқда. Мисол учун, кўпгина хўжаликларда йилига ҳар бош сигирдан минг килограмдан кам сут соғиб олинмаяпти. Албатта, бунда бошқа сабаблар қаторида уларда насли моллар етишмаётганининг ҳам таъсири бор. Ахир, чорвачилик ривожланган хориждаги давлатларда ҳар бош соғин сигирдан йилига 20-25 тоннадан сут соғиб олинаётганили-

гини ҳам унутмаслигимиз керак.

Яна бир гап. Республикаимизга хориждан насли моллар олиб келиниб, уларни кўпайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, лекин самара қутилгандек бўлмаяпти. Масалан, 1967 йили иқлими ва об-ҳавоси бир-бирига бирмунча ўхшаш бўлган Американинг Техас штатидан Бахмал туманидаги Абдувоҳид Усанов номи ширкат хўжалиги (собиқ «Бахмал» савхоз)га гўшт йўналишидаги «Санта-гертруда» зотли 80 бош қорамол келтирилган эди. Бундан мақсад уларни маҳаллий шарт-шароитга мос ҳолда кўпайтириб, республикамизнинг барча вилоятларига ҳам тарқатиш эди. Чунки бу насли моллар гўшт етиштириш учун ниҳоятда мақбул ҳисобланиб, агар яхши парвариш қилинса, кунига 800-1000 граммгача семирishi мумкин эди. Мазкур моллар билан республикамиздаги хўжаликларни таъминлаш борасида қатор йиллар давомида бирмунча ишлар амалга оширилди, албатта. Аммо ҳозир хўжаликда ушбу йўналишдаги ишлар талабга жавоб бераётгани йўқ.

Устига устак, айни пайтда кўпгина чорвачилик хўжаликлариде насли моллар етишмаяпти. Сабаби — уларнинг иқтисодиёти яхши эмаслиги боис бундай молларни харид қилишга маблағи йўқ. Шунинг учун ушбу жамоаларда маҳсулдорлик ҳамон пастлигича қолмоқда.

Халқимизда «Деҳқончиликни икки-уч йилда, чорвачиликни қирк йилда ўнглаш мумкин» деган нақл бор. Шундай экан, тармоқда наслчилик ишларини йўлга қўйиш ва шунинг ҳисобига маҳсулдорликни ошириш борасида барча чора-тадбирларни қўриш лозим. Ана шунда чорвачилик ҳам насли моллар, ҳам маҳсулот ҳажми кўпаяди.

Ҳосил ҚАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Таълим нима, тарбия нима? Бир қарашда оддийгина кўринган ушбу тушунчаларнинг туб моҳиятини ҳар доим ҳам чуқур идрок этишимиз? Кўпинча, бу икки сўзни ёнма-ён — «таълим-тарбия» тарзда ишлатамиз. Шунинг учун? Улар, шунчаки, оҳангдош бўлгани учунгинами? Ё, бўлмаса, ушбу муштраклиқнинг замирида алоҳида мазмун борми? Агар шундай мазмун бўлса, у нимадан иборат ва қандай шакланган?

Қадриятларимиз

пайта, ниҳоятда аниқ ифода бўлган. Унингча, «илмсиз инсон мевасиз даракт кабудир. Чунки илмсиз кишилар ота-онасига, қариндош-уруғига, ёр-дўстига, дин ва миллатига фойда ет-

та, тарбия серкира тушун-да. Ушбу қирраларнинг энг муҳими одоб-ахлоқ ҳамда маънавий тарбиядир десак, муболага бўлмас. Мазкур ва бошқа фазилатлар боланинг жисму жонига қан-

олади. Бугунги кунда ушбу анъанавий тизимнинг асосий бўғинларини оила, маҳалла, мактаб ҳамда ўртамаксус ва олий ўқув юрталари ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, би-

олса, бўлади. Бола муайян ёшга етган, унинг тарбиясини таълим билан қўшиб олиб бориш зарурати туғилади; у мактабга боради. Қадимдан ўзбеклар болани устозга топшира туриб, «эти — сизники, суяги — бизники», деб таъкидлаб келишган. Бундан улар болага жисмоний жазо беришни ҳам раво кўришган деб юзаки ҳулоса чиқариш ярамайди. Бу ҳикматнинг туб маъноси мутлақо бошқача, яъни мактабга боришга, боланинг инон-ихтиёри асосан устозга, муаллимга топширилади. Бу — табиий ҳол. Зеро, уни ўқитиш ва тарбиялашнинг асосий йўлларини энди устоз белгилайди. Зикр этилган матал эса, ушбу воқеликнинг ота-она томонидан эътироф этилиши ва онгли ярашида қабул қилиниши изҳоридир. Мазкур тизимнинг кейинги босқичини, бугунги кунда, лицейлар ва коллежлар, ундан кейин эса, олий ўқув юрталари ташкил этади. Уларнинг барчасида таълим ва тарбия уйғун ҳолда олиб борилади.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ УЙЎНЛИГИ

Авалло, таълим ҳақида икки оғиз сўз. Маълумки, «таълим» атамасининг келиб чиқиши «ўрганмоқ», «билим оломоқ» деган маънога бориб тақалади. Шунинг учун ҳам маънос таълим олганлар ҳақида «бу одам маълумотли» дейилади, яъни унинг муайян билимга эга эканлиги таъкидланади. Билими кишилар эса барча замонларда эл томонидан азизу муқаррам тутилгани аниқ ҳақиқат. Ушбу ҳақиқат маънавиятимиз сарчасмаларидан бўлган муқаддас диний манбаларда ҳам ўз ифодасини топган. Қуръонда муҳрланган «Биландиганлар билмайдиганларга тенг бўлуруми!» деган (Зумар сураси, 9-оят) илоҳий ҳитоб бунинг энг ёрқин исботидир. Шунинг учун ҳам муулмончиликда илм, хусусан манитий асосланган билимлар соҳиб бўлиш, қадимул-айёмдан алоҳида эъзозланиб келинади ва абадул-абад шундай бўлиб қолаверади. Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларидан бирида «Авалло олим бул! Лоқал таълим олгувчи ёки тингловчи, илму уламоларни севгувчи бўлгин. Аммо бешинчиси бўлмаганик, ҳалок бўлувчи!» деган ҳам таъкид, ҳам қанъи оғохантириш бор. Шубҳасиз, у — билимсизлик, жаҳолат! Бу аччиқ ҳақиқат ҳаётда ўз исботини топган. Шунинг учун ҳам кечмишимиз жаҳолатга қарши курашлар билан тўла. Ушбу курашларнинг фалсафий моҳиятини буюк маърифатпарвар олим Абдулла Авлоний ўта содда ва, аниқ

курмак бир тарафда турсун, ўз устига лозим бўлган иборат ва тоатни ҳам лойиқча қила олмас». Эътироф этиш лозимки, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мустақилликнинг илк кунлариданоқ таълим тизимини ривожлантириш, уни энг илгор мамлакатлар даражасига олиб чиқиш ва шу орқали, юртимизнинг фаровон келажагини таъминлаш давлат сиёсатининг бош йўналишларидан бирига айланган. Маълумки, рес-публикамизда узлуксиз таълим тизими мунтазам такомиллаштирилмоқда, бугунги дунё эришган илгор таъриб ва воситалар унга сингдириб боришмоқда. Энг истеъдодли ёшлар эса, яқин ўтишида тасаввуримизга сингдириб бўлмас миқдордаги давлат маблағлари ҳисобига чет эллардаги нуфузли ўқув юрталарига юборилмоқда. Улар олган билимлар ҳозирнинг ўзидаёқ, нафақат ота-оналария қариндош-уруғлари, балки кенг маънода, эл-юртимизга наф келтирмоқда десак, муболага бўлмас. Энди тарбия ҳусусида. Ёш авлодни воёга етказишда тарбия ва тарбиячи-нинг ўрни қаерда? Зеро, Авлоний айтганидек, «тарбия қилгувчилар табиб кабудирки, табиб ҳастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл (яъни жаҳолат, билимсизлик — З. М.) маразига «яши ҳулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан бериб, катта қилмоғи лозимдур». Албат-


дай сингдирилади? Бу ишни кимга амалга оширади? Мана шу ўринда жиддий ўйлаш жоиз кўринади. Маълумки, мақол ва маталар ҳар қандай халқ дунёқарашини, менталитетининг кўзгуси, ойнасиридир. Халқимизда «бир болага — этти маҳалла ота-она» деган улғу ҳикмат бор. Яна «олим бўлма, одам бўл» дейилади. Қадим замонлардан халқимизда тарбияга таълимдан кам аҳамият берилмаган. Келтирилган мақолларнинг фалсафий маъносини шуки, билимсизроқ бўлсан ҳам, начора, майли, лекин синхор-базирроқ ахлоқсиз, тарбиясиз бўлмагин. Инсон ва инсонийлик тушунчаси эса, ўзбекларда бешиқ кенг қамровли. У одоб-ахлоқ, раҳмдиллик ва одамийлик, хушрафторлик ва тўғрисиқлик, ҳалоллик ва поклик каби чин инсоний фазилатлар билан биргаликда, юртпарварлик ва эл-севарлик деган эзгу тушунчаларни ҳам қамраб олади. Инсонда ана шундай ранг-баранг фазилатлар ҳосил бўлиши учун ота-она, оила, таълим муассасалари каби қатор омиллар таъсир кўрсатади. Табиийки, биргина одам ёки биргина муассаса, у нечоғлик салоҳияти бўлмасин, бунинг уддасидан чиқолмайди. Шунинг учун ҳам асрлар оша ушбу ўта муҳим ва қийин вазифани ба-жарувчи ўзига хо, таъбир жоиз бўлса, ўзбекона тизим шакланган. У боланинг туғилишидан бошлаб то қамолга етиб, мустақил ҳаётга қадам қўйданг давригача бўлган йиллари қамраб

ринчи ва иккинчи бўғинлар боланинг дунёқарашини шакллантиришда алоҳида босқичда эса, онанинг роли беқиёсдир. Азал-азалдан шундай бўлиб келган. Айнан ота-она ва маҳалла тарбияси бизни Фарб дунёқарашидан фарклантириб турадиган эл, жамоат бўлиб яшаш деб аталадиган фазилатдан баҳраманд қилади. Уни қону-жонимизга сингдиради. Бола ҳар қандай ишда фақат ўзи учунгина куйинадиган худбин эмас, балки оила, қўни-қўшни, маҳалла-қўй, бошқача айтганда, қўнчилик манфаатларидан келиб чиқиб лозимлигини ўрганади. Бу, илмий тил билан айтганда жамоа ҳаёт тарзи, янада қисқароқ, айтганда, жамоатчилик деб аталади. Бу тушунча баъзан фарбона менталитетнинг моҳиятини шакллантирадиган индивидуализмнинг акси сифатида тасвифланади. Бўлса, бордир. Лекин асрлар давомида такомиллашиб келаётган бу фазилатнинг ўрнини ҳеч қандай қадрият тўлдиролмаслиги аниқ. Ушбу фазилат дунёқарашимизда шундай ўрин тутаяди, унинг худо қўрсатмасин, завог топиши миллий ўлигимиз инқирозининг бошланиши бўлиши аниқ. Аслини олганда, ватанпарварлик, элсеварлик деган олий қадриятларнинг ўқ илдизлари худди шу даврда, яъни, бола, асосан, ота-она ва маҳалла тарбиясида эканлигида шаклланади. Ушбу босқичларнинг нечоғлик ҳаётий ва юксак аҳамиятли эканлигини ана шундан ҳам билиб

«Отайўлга» арзон нарх Қарши шаҳрида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиши маданияти ошди. Сабаби шаҳар кўчаларида «Отайўл» русумидаги автобуслар қатна бошлади. Эътиборли томони шундаки, автобусларнинг йўл ҳақи бошқа транспортлардан анча арзон — 50 сўм. Шунингдек, эллик нафар киши иш билан таъминланди. Шухрат ҚОБИЛОВ.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ 2004-2005 ўқув йили учун 1-КУРСГА ўқувчилар қабул қилади. Академик лицейга умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган иқтидорли ўқувчилар ҳудудий касб-хунарга йўналтирилган психологик-педагогик ташхис маркази тавсияномасига биноан қабул қилинади. Академик лицейга табиий фанлар йўналиши мавжуд. Ўқув режа академик лицейни тугатгач, мутахассисликлари даволаш иши, стоматология, педиатрия иши, тиббий профилактика иши, биология, экология ва табиатдан фойдаланиш, агрономия, ипакчилик, генетика ва селекция, ўсимликларни химоя қилиш, мевасабзавотчилик, ветеринария, фармакология бўлган ва кимё, биология ҳамда она тили ва адабиёт фанларидан тест синовлари топшириладиган олий ўқув юртига кирувчилар учун мўлжалланган. Академик лицейга ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади. Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: академик лицей директори номига ариза; 9-синфини битирганлиги ҳақида шаходатнома (асл нусхаси); туғилганлик ҳақида гувоҳнома (нусхаси); 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома; турар жойидан маълумотнома; 3х4 ёки 4х6 см. ҳажмдаги 6 донна фотосурат; ҳудудий касб-хунарга йўналтирилган психологик-педагогик ташхис марказининг тавсияномаси. Манзилимиз: Тошкент ш., Юнусовдў тумани, Ж.Обидова к., 223-уй. Телефон: 63-98-54. Факс: 162-00-73. Транспортлар: 19, 115, 129-автобусларнинг «Академик лицей» бекати, 83, 96-автобуслар, 6, 49, 485-йўналиш маршрутларининг «ТошПТИ» (САМПИ) бекати.

ЎЗТЕМИРЎЎЎЛОВЧИ ОАЖНИНГ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ ишлаб чиқараётган маҳсулотингиз ва кўрсатаётган хизматингиз ҳақидаги маълумотларни маҳаллий ва республикаларо йўналишдаги поездларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча темир йўл вокзалларида реклама қилишни таклиф этади. Телефонимиз: 199-71-83, факс: 136-46-39. E-mail: uzjeldorpass@infonet.uz



Хаяжонли дамлар Мамлакатимизда ёшларнинг билим олишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Улар ўзларининг етук салоҳияти, иқтидори билан турли соҳаларда фаолият юритиб, ютуқларга эришмоқда. Албатта, бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ана шундай иқтидорли ёшларнинг маскани бўлган Наманган муҳандислик-иқтисодий институтида битирувчи талабаларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда институти муваффақиятли тамомлаган 29 нафар магистрант ва 290 нафар бакалаврга диплом топширилди. — Бизнинг билим олишимиз, етук мутахассис бўлишимиз учун кўнглимизда шарт-шаритлар яратиб берилди. Энди бундай эътиборни оқлашнинг фурсати келган экан, биз жуда хаяжондамиз, — дейди институт магистри Жўраимрза Қайюмов. Шунингдек, «Энг намунали талаба» номинацияси бўйича ўқиш ва жамоат ишларида ибрат бўлган талабаларга «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати институт бошланғич ташкилотининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. СРАТЛАРДА: тadbридан лавҳалар. Хотам МАМАДАЛИЕВ (Ў.А.) олган суратлар.

Баҳоланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Лизинг шартномаси даврида тўловларнинг умумий миқдори объект қийматининг 90 фоиздан ошади. Ушбу молиявий хизмат тури юридик шахс мақомида ларини амалга оширишда яна бир қатор имтиёзлар яратилди. Мисол учун, солиқ тўлашда энгилликлар берилди: лизинг олувчи асосий воситанинг жами амортизация ажратмаларини, шу жумладан, тезлаштирилган усулда ҳисоблан-

кўрсатилаётган лизинг операциялари ҳажмининг ошириш юзасидан бир қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, республикамизда ишлаб чиқарилаётган «Uzotayol» автобуслари, Тошкент трактор заводида тайёрланаётган «Т-4», «ТТЗ-80» русумли тракторлар ва мини технологиялар лизинг асосида фойдаланишга берилмоқда. Жумладан, жами 24 та ҳужалик юритувчи субъектга 409 миллион сўмлик ана шундай хизмат кўрсатилди. Бундан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятларидаги миқозлар баҳраманд бўлиши.

«Уалотто» потереси 30-тиражини ХИСОБИ Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган сонли «OzLotto 6/40» телевизион лотереясини ўтказиш шарт ва қондалари асосида ўтказилди. Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 34 35 31 29 21 14 Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 10 июль

ЛИЗИНГ: САМАРАЛИ ВА ҚУЛАЙ ХИЗМАТ дан ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадида сотиб олинади. Шу билан бирга, ўз моҳиятига қара, лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, бир томон (лизингга берувчи) объектни томон (лизинг олувчи)нинг топширигига биноан, унчинчи томондан (сотувчидан) мулкни шартномада белги-ланган шартларда олувчига тўлов асосида фойдаланиш ва эгалик қилиш учун ҳамда кейинчалик олувчининг хусусий мулккага ўтиши шарт билан бериш мақсадида сотиб олади. Лизинг шартномаси қуйидаги шартномалардан бирига жавоб бериши шарт. Масалан, шартнома мuddати тугаши билан объект олувчининг хусусий мулкка айланиши, шартнома мuddати лизинг объекти хизмат олади ёки шартнома мuddати тугагандан кейин мулк қиймати қолдиганининг дастлабки нархининг 20 фоиздан кам миқдорини ташкил этади. Лизинг олувчи мулкни қатъий белги-ланган баҳода ёки шартнома мuddати тугаганидан кейин

БАНК ТИЗИМИ йўл — мулкни кредит ёки ўз маблағи ҳисобига сотиб олишни такозо қилади. Лизинг хизмати бир вақтининг ўзида молиялаш ва янги технологияларни харид қилиш масалаларини ҳал этиш, айланма маблағларни амалга оширишда яна бир қатор имтиёзлар яратилди. Мисол учун, солиқ тўлашда энгилликлар берилди: лизинг олувчи асосий воситанинг жами амортизация ажратмаларини, шу жумладан, тезлаштирилган усулда ҳисоблан-

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ! «ҚИШОҚ ХУЖАЛИГИ МАҚСОДЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИ АЛҚАТТИ!» «ACRECAT ZAVODI» ОАЖ OBX-600 ВЕНТИЛЯТОРНИ ПУРКАТИЧЛАРНИ ишлаб чиқаради ва сотади. Тўлов — ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан. 23204 ҳисоб рақамига қисман, яъни 50 фоизгача тўлаш имконияти бор. Завод манзали: 700057, Тошкент ш., Уста Шариф к., 117-уй. Телефонлар: 148-02-40, 148-11-02, 48-16-51, 48-29-21.

«КОЛРФАРМ» МЧЖ (фармацевтика соҳасидаги унчи дивизион) К-34 мм. алюминий қопқоқчаларни (стерил ва физ. эриتماвлар, фармацевтик препаратлар учун) ишлаб чиқаради ва сотади. Қопқоқчалар мазкур мақсадда тури ва мезърий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган ҳолатда тайёрланади. Фарҳод ЙЎЛДОШЕВ, «Галлабан»нинг тadbиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг бошқармаси бошлиғи.

Ёзинг гапи

Ҳоқимлик аравасини шатакка олишди

Қўннинг иссиғида соялаб ўтирган одам дам олади. Мабодо, ўтирган жойида ухлаб қолса, иши қолиб кетади. Қолиб кетган ишнинг устини, биласиз, қорлар босади.

Термиз шаҳрининг қор босган муаммоларидан бири — ичкари гузарларда чикиндилар ўйилиб қолгани эди. Шаҳар ҳўжалигининг мудраб қолган ҳўжалинларини ўйқудан ўйғотиш қийинроқ бўлди, вилоят ҳўқимлиги ташаббусни ўз қўлига олди — Термизнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиб, нуфузли ташкилотларини бу ишга жалб қилди.

Шу тадбирга кўра, масалан, Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси учта маҳаллани оталиққа олди. Бошқарманинг хашарчилар гуруҳи бир кўннинг ўзида шаҳар ўртасида жойлашган «Учқун» маҳалласидан 60 машина чикиндилар (ҳали бу бир кўчадан чиққани) олиб чиқди. Бошқа туманлардан келган хашарчиларга маҳалла ахли ҳам ёрдам берди. Кимдир курак, кимдир сулури олиб келиб, хайрли ишга бош қўшди.

Раҳбарларнинг мудуроғи ёзилмас, икки ойдан сўнг яна шунга ўйлаш «қорбосди» ишларни саранжомлашга тўғри келади, ҳали — дейди жарқўнлик юкловчи машина ҳайдовчиси Соатмурод Сувонов.

Сувонов билан бирга ишлаётганлар Термизнинг бошқа гузарларида ҳам «қор босган» ишлар қўлайиб кетганидан паршонди. Ва бу паршонликларини ҳазилга йўйиб, улар шаҳар ҳўқими Абдурайим Чориевнинг оқсаб қолган аравасини шатакка олаётгани, деб ифодаламоқдалар.

Шатакка боғланган аравани шиддату шижоат билан юриб кетсин-да, ишқилиб.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Тилга эътибор — элга эътибор

Одатда ҳеч қаерда ёзилмаган, лекин ҳамма билладиган қонун-қоидага мувофиқ, сўз қайси тилда биринчи бўлиб ишлатилса, у бошқа тилларга таржимасиз кириб боради.

Масалан, ўзбек тилидаги «кураш» сўзини олайлик. Бугунги кунга келиб бу сўз жаҳоннинг барча тилларида янграмоқда. Шундай қонун-қоида борлигига қарамадан кейинги пайтда ўйлаб топилган ёки архаик сўзлар жуда кўпайиб кетмоқда. Энг ачинарлиси шундаки, у сўзларни кўпчилик тушунамайди, ҳазм қилолмайди. Масалан, товар сўзини мол сўзи билан алмаштириш тўғримикин? Негаки, ўзбек тилида мол деганда фақат товар тушуналмайди. Бир дарслиқда (Бухгалтерия ўқидим: «Мол каби нэматларнинг...», «Бу ерда мол ҳўжалиги...» ва бошқалар... Яна бир дарслиқда (Бухгалтерия ҳисоби бўйича) активлар — фаоллар, пасивлар — нофаоллар, асосий счеллар — ҳисобламалар, импорт — кириб келган моллар деб берилган. Энди айрим сўзларни таҳлил қилайлик. Фонд бу жамғарма эмас. Жамғарма деб маълум бир жисмоний шахснинг тўплаган маблағига айтади. Масалан, Нобель мукофотини эсга олинг. Бухгалтерия ўқидим: бухгалтерия ҳисоби дейишади, бухгалтерни эса ҳисобчи дейишади. Мантиқ қани? Бухгалтерия счеллари бухгалтерия ҳисобламалари бўлар эмиш. Бизга маълумки, бухгалтерияда 99 счелт бор. Ҳисоблама сўзи русча «расчётный» сўзини билдириши мумкин.

Метод сўзини билмайдиган ўзбекнинг ўзи йўқ бўлса керак. Ҳозирги кунда бу сўз усул (услуб) сўзи билан алмаштирилган. Маълумки, метод ва усул бир нарса эмас. Ме-

Яқинда бир қариндошимизни кургани касалхонага бордик. У ердаги ёзувларни ўқишни бошладик: ташхисхона, муолажахона, ҳўкнахона, ҳақимлар хонаси, боғловхона, катта оға хонаси, фаррошхона ва ҳоказо. Биз фақат хона сўзини тўлиқ тушундик,

қандай асосиз алмаштирилмоқда. Масалан, кейинги пайтда диктор сўзи суҳандон сўзига айланди, студент-талаба, консультация-маслаҳат бўлиб қолди. «Ақл бовар қилмайди», дейишади. «Ақлга сиймайди» сўзининг нимаси ёмон. Бовар бу фикрга ишонмаслик дегани-ку?

Кейинги йилларда лексиконимизга кўшилган лизинг, компания, кредит, валюта, компью-

Сўздан ўзнинг фарқи бор...

тод усулга нисбатан жуда кенг маънога эга. Масалан, бирон-бир иш бўйича хулоса чиқариш учун уни текширишдан ўтказиш керак. Текшириш ўтказиш учун маълумот тўплаш зарур. Маълумот тўплашни статистик кузатишнинг методи дейилади. Маълумот эса бевосита кузатиш, ҳужжатли ва савол-жавоб усулларида йиғилади.

Модель сўзини андоза деб аташади. Бу бутунлай нотўғри. Ривожланишнинг ўзбек модели мавжуд. Буни ҳамма тушунади ва тан олади. Андоза сўзи эса форсча асосга эга бўлиб, қолип маъносини беради.

Бугун биз жаҳон андозаларига мос деган сўзини кўп эшитамиз. Ваҳоланки, стандарт сўзини қатъий ва ўзгармас белгиланган параметрлардан ташкил топган жисм ёки кўриниш, қоида ўрнида ишлатиш мумкин. Андоза эса доим ўзгарувчан бўлади.

Ҳолос. Қолганларини сўраб билишга тўғри келди. Масалан, мавлоно — Конторович дегани профессор Конторович ўтирадиган хона экан.

Бир кун мени давлат автомобиль нazorатининг ходимлари тўхташиди ва улов ҳужжатларини кўрсатинг деб сўрашди. Мен бошида хайрон бўлиб қолдим, билсам улар мендан автомобиль ҳужжатларини сўрашаётган экан. Ахир улов автомобиль эмаслиги ёш болага ҳам тушунарли-ку.

Куйидаги сўзлар бирон-бир асбоб-ускунанинг бажарадиган ишига нисбатан ишлатилмоқда. Масалан, совутиқ-холодильник; телевизор-ойна жаҳон ва бошқалар. Холодильникни совутиқ десак, вентиляторни, кондиционерни нима деб атаймиз, улар ҳам совутиқлик.

Халққа энг қулай ва тушунарли бўлган сўзлар бошқа сўзлар билан ҳеч

тер, инвестиция ва бошқа сўзлар ўзбекчага айлантирилмас ҳам ҳамма тушунапти. Уларнинг ўриндошини топганимизга шукр. Фикримча, бунинг ҳеч зарурати йўқ ва қолаверса, шарт ҳам эмас.

Ҳар қандай тил бошқа тилдан кириб келган сўзлар билан муттасил бойиб боради. Ҳозирги замон, жаҳоннинг энг чиройли ва бой тилларидан бири бўлган ўзбек тилимизни халқимизнинг моддий ва маънавий савиясини оширадиган, республикамизнинг ҳар бир фуқароси Испания, Америка, Россия ва бошқа мамлакатлар фуқаролари билан илмий-техникавий ва ижтимоий-маданий мавзуларда тенг гаплаша оладиган, керак бўлса, улардан ўрганишда ва ўргатишда қўлланиладиган сўзлар билан бойитайлик.

Ҳамид ШОДИЕВ, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Toshkent davlat agrar universiteti qoshidagi

QIBRAY AKADEMIK LITSEY

2004-2005 o'quv yili uchun quyidagi yo'nalishlar bo'yicha o'qishga qabul e'tlon qiladi:

- tabiiy fanlar yo'nalishi;
- aniq fanlar yo'nalishi;
- ijtimoiy gumanitar fanlar yo'nalishi;
- xorijiy filologiya yo'nalishi.

O'quvchilar bilan o'tkaziladigan maxsus sinovlar o'qish yo'nalishlarini hisobga olmaganda quyidagi fanlardan imtihon o'tkaziladi:

- ona tili va adabiyot — ijodiy ish (bayon);
- matematika, fizika, kimyo, biologiya, tarix, xorijiy til fanlarining har biridan 5 tadan o'z ichida qamrab olgan 30 ta savol bo'yicha ko'p variantli asosida maxsus sinovlar o'tkaziladi. Topshiriq savollari test usulida bo'ladi;
- ijodiy ish (bayon) maksimal 10 ball bilan baholanadi. Test sinov bo'yicha har bir to'g'ri javob uchun 3 baldan beriladi. Davogarning to'plash mumkin bo'lgan eng yuqori balli 100 ballni tashkil qiladi.

O'qish muddati — 3 (uch) yil.

O'qishga to'qqizinchi sinfni bitirgan o'quvchilar olinadi.

Quyidagi hujjatlar topshiriladi:

- ariza;
- 9-sinfni bitirganligi to'g'risida shahodatnoma (asl nusxasi);
- hududiy kasb-hunarga yo'naltirish va psixologik-pedagogik tashxis markazi tavsiyanomasi (tumaningizdagi xalq ta'limi bo'limidan olinadi);
- turar joyidan ma'lumotnoma;
- 086-U shaklidagi tibbiy ma'lumotnoma;
- 3X4 sm. hajmdagi 6 dona rangli fotosurat;
- tug'ulganlik haqidagi guvohnoma hamda undan 2 nusxa.

Hujjatlarni qabul qilish muddat — 20 iyundan 30 iyulgacha.

Manzil: Universitet ko'chasi, Akademik litsey binosi. Mo'ljal — Agrar universiteti. Avtobuslar: 96, 19, 83, «Mikrorayon» bekat, 491, 115, 53, marshrut taksilar 230, 77 «Akademik litsey» bekat. Telefonlar: 63-92-04, 169-15-69. Ilova: 1 ta fayl-papka hamda 1 ta konvert o'zi bilan olib kelish shart.

TRINITY — RISO ning rasmiy dileri

Махсулот сертифициланган

МИНИ БОСМАХОНАЛАР




РИЗОГРАФЛАР
САРФЛАШ
МАТЕРИАЛЛАРИ

босмадан кейин ишлатиладиган жиҳозлар:
қирқадиған (IDEAL), брошюралайдиған ва ламинаторлар (REXEL).

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 20-уй.
Телефон: (998 71) 152-26-30. Факс: (998 71) 152-71-95.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети шуни маълум қиладики, Тошкент Банк коллежи томонидан 2003 йилда Умаров Темур Мамуровичга берилган Т № 114439 рақами Диплом ва иловаси йўқолиши сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ESENYA КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ **БОЛАЛАРГА МЕХР БИЛАН** **ESENYA** Bau- und Handellinvestition GmbH Traunreut - Deutschland



700025, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

ESENYA КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:

- БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР.

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.

Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

Манзил: 700025, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

Қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер, деҳқон ва чорва хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХўЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ШАКЛИДАГИ

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМАР БАЗАСИ

куйидаги махсулотларни пул ўтказиш йўли билан сотади.

- Қишлоқ хўжалик шиналари:
 - 13.6x38 — 189 200 сўм;
 - 15.5x38 — 212 300 сўм;
 - 9.00x16 — 65 000 сўм;
 - 9.5x42 — 146 200 сўм;
 - 720/665 ФД — 650 000 сўм.
- Тракторлар (Минск трактор заводи — МТЗ):
 - МТЗ - 80.1.57 — 17 500 000 сўм;
 - МТЗ - 82.1.57 — 17 750 000 сўм.
- Дизелли трактор двигателлари:
 - Д - 243 - 202 — 2 800 000 сўм.

Махсулотлар сертифициланган. Мурожаат учун телефонлар: 41-38-80, 132-12-04, факс: 132-11-06.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қотибига жамоаси катта референт Ш. С. Абдураҳмонова падали бузруквори **РАҲМОН** отанинг вафоти этанлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

«Ўзсувтаъмирройдаланиш» Республика бирлашмаси жамоаси Арнасой сув омборидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Нажмиддин Умарова ўғли **Тоҳиржон УМАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика радиоси жамоаси «Ёшлар» радиоканали муҳаррири Дилбар Ражабова падали бузруквори **РАҲМОН** отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

«Ўзсувтаъмирройдаланиш» акциядорлик компанияси жамоаси «Ўзаштаъмир» акциядорлик жамияти бош директори Б.Миррабобова акаси **Мирборий МИРАБОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

Қибрай тадбиркорлик коллежи жамоаси жисмоний тарбия ўқитувчиси **Бахтиёр ШЕРМУҲАММЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Мухиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, У. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буторта Ғ — 869, 22202 нусқада босилди, ҳамаи — 2 тўб. Об'ект узунида босилган.
Қозғ бичими А-2
Газета ИВМ компьютерда терилди ва операторлар Жамоаси Тоғев ва Ўзқўн Файтев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳамаи 5 қотилда ишлаб материаллар қабул қилинади.
П-Тяжарат материали

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов,
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева,
Навбатчи — М. Ҳолматова,
Мусыхҳа — М. Ёқубова.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА ақуни — 21.15 Топширилди — 22.30 1 3 4 5 6